Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2015-yil, 4-iyun. Payshanba • 65 (31.968) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

## «МЕН ВАТАНИМ РАВНАҚИГА ҲИССА ҚЎШИШНИ ХОХЛАЙМАН!»

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИНИНГ «ЁШ СИЁСАТЧИ-2015» КЎРИК-ТАНЛОВИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА БАРЧА ВИЛОЯТЛАРДА КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТМОҚДА.

«МЕН ВАТАНИМ РАВНАҚИГА ҲИССА ҚЎШИШНИ ХОХЛАЙМАН!» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ БУХОРО ВИЛОЯТ БОСҚИЧИДА ИШТИРОК ЭТГАН ШОҲРУЗ СОБИРОВ ЛОЙИҲАСИНИ ТАҚДИМ ЭТИШДАН АВВАЛ, ТЎҒРИСИ, ҚАТТИҚ ҲАЯЖОНЛАНДИ. САҲНАДА БИРОЗ СУКУТ САҚЛАБ ТУРИБ ҚОЛДИ. ЭКРАНДА «ҚУЁШЛИ ОИЛА» ЁЗУВИ ПАЙДО БЎЛГАЧ, КЎПЧИЛИК УЧУН КУТИЛМАГАНДА СЎЗИНИ САВОЛ БИЛАН БОШЛАДИ.



— Нега бу оламдаги барча болалар оилаларда вояга етмайди? Нима учун айрим ота-оналар жигарбандларини болалар уйига ташлаб кетади? — **Шоҳрузнинг** саволларидан ҳамма ҳушёр тортди. — Лойиҳамни тайёрлашда айнан шу саволларга ечим топишга уриндим. Лойиҳам меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини оилага тайёрлашга хизмат қилади. Унга кўра, болаларда меҳр-муҳаббат, оилапарварлик сингари олижаноб фазилатларни камол топтириш, оилани асраш тартиб-қоидаларига амал қилиш масалаларига эътибор қаратилган. Лойиҳанинг амалиётга татбиқ этилиши уй бекаларини иш билан таъминлаш, улар учун меҳнат дафтарчалари юритилиши бўйича қўшимча имкониятлар яратади...

...Иштирокчилар шу тарика турли йўналишлардаги лойиҳаларини тақдим этишди.

ЎзХДП дастурий мақсадларининг асоси бўлган ижтимоий ҳимояни кучайтириш масаласи уларнинг бош мавзуси бўлди.

«Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ўсиб келаётган авлоднинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, фуқаролик масъулиятини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Ёшларда қонунларга ҳурмат туйғусини кучайтириш, рўй бераётган ўзгаришларга муносабатини шакллантириш ва ислоҳотларда иштирокини кенгайтириш масалалари ҳам танловнинг асосий мақсади саналади.

► *Давоми 2-бетда.*

### Эътироф

Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг сиёсий муносабатлари анъанавий равишда халқаро майдонда бир-бирини кенг қўллаб-қувватлаш асосида ривожланмоқда. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан томонларнинг нуқтаи назарлари ва ёндошувлари ўхшаш ёки бир-бирига яқиндир. Мамлакатларимиз БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида яқин ҳамкорлик қилмоқда.

***Ли Ук Хён,*** ***Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси.***

ЎзХДП: ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

## Жамоатчилик қабулхонаси

### аҳолини партия билан боғловчи муҳим воситага айланди

**■ Бугунги кунда Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимидаги ҳар бир тузилма фаолияти, энг аввало, сайловчилар ва электорат манфаатлари ҳимоясига қаратилган. Буни Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятининг таҳлили мисолида ҳам кўриш мумкин. Жойлардаги муаммоларни ўрганиб, ЎзХДП гуруҳлари, ҳамкор ташкилотлар ва давлат идоралари орқали ҳал этаётгани туфайли Жамоатчилик қабулхоналарига одамлар ишончи тобора ошиб бормоқда.**

— Биргина апрель ойи давомида республикамиз бўйича барча Жамоатчилик қабулхоналарига турли масалалар бўйича электорат вакилларидан 749 мурожаат бўлди, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Фахриддин Йўлдошев.** — Мурожаатларнинг асосий қисми коммунал, иш билан таъминлаш, ижтимоий ва соғлиқни сақлаш, халқ таълими соҳалари ҳамда банкдан кредит олиш масалалари билан боғлиқдир. Бугунги кунда ушбу масалаларни ҳал этиш бўйича мазкур соҳа мутасаддилари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Шунингдек, мурожаатларни ўрганиб ҳал этишда депутатлар ҳамда экспертларнинг имкониятларидан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Бу эса электоратни ўйлантираётган масалалар ўз вақтида ижобий ҳал этилишида муҳим омил ҳисобланади.

Албатта, ҳаёт муаммосиз бўлмайди, орамизда алоҳида эътиборга муҳтож кишилар бор. Айниқса, жисмоний имконияти чекланган, инсонлар доимий равишда муҳофаза қилиниши керак. Шу боис Жамоатчилик қабулхоналари электорат вакилларини ўйлантираётган ҳар бир масалага алоҳида эътибор қаратиши лозим.

2 >

Партия ҳар бир битирувчининг истиқболдаги иш жойини аввалдан аниқлаш, уларнинг ишлаб чиқариш амалиётини мазкур корхоналарда ўташларини таъминлаш лозим, деб ҳисоблайди.

*ЎзХДП Сайловолди дастуридан.*

ДЕПУТАТ УЧРАШУВДАН ҚАЙТДИ

## Бугунги сайловчи

### ўзи сайлаган депутат фаолиятини доим кузатиб туради

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари жорий йилнинг 25-30 май кунлари ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб қайтди. Мазкур юзма-юз мулоқотларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти аҳолига кенг тушунтирилди. Сайловчилар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, тараққиёти билан боғлиқ кўплаб саволлар билан депутатларга мурожаат этишди. Шунингдек, жойларда қонунлар ижроси билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар ҳам тингланди.

**Хўш, парламент депутатлари бу учрашувлардан нима олди? Сайловчилар кўпроқ қандай масалаларда уларга мурожаат этди?** 2 >

## Инсон манфаати ҳимояси

### бош масала

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги қарори билан Адлия вазирлиги зиммасига Конституция, қонунлар ва халқаро шартномаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида бир қатор вазифалар юклатилган бўлиб, улар ижросини таъминлаш мақсадида вазирлик томонидан доимий равишда таҳлилий ишлар, ўрганишлар ҳамда мониторинглар олиб борилмоқда.

3 >

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

## Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари муҳокама этилди

**■ ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республика кенгаши ҳамкорлигида Нукус шаҳрида семинар ўтказилди.**

— Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштиришда хотин-қизлар иштирокини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга, — деди семинар аввалида **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаш бўлим мудири Алишер Равшанов**. — Партиямиз Сайловолди дастурида ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар бандлигини таъминлаш, касаначилик асосида меҳнат қилувчи аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби муҳим вазифалар белгиланган. Жойларда ўтказилаётган бугунгидек амалий тадбирлар, учрашувларда улар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Жойларда қанотимиз ташаббуси билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, иқтисодий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, уларни оилавий тадбиркорлик ва касаначиликка жалб этиш мақсадида қатор тадбирлар ташкил этилмоқда, — дейди **ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши сектор мудири Санемхан Жумамуратова.** — Уларда хотин-қизларни ўйлантираётган масалалар чуқур ўрганилиб, депутатлар, қанот етакчилари ва ҳамкор ташкилотлар ёрдамида ижобий ечим топилмоқда. Натижада кўплаб хотин-қизлар ишга жойлаштирилди, ижтимоий нафақалар ўз вақтида олинишида амалий кўмак берилди ва кам даромадли оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Битирувчи қизларга имтиёзли кредит олиш бўйича ҳам ёрдамлашилди. Бу йўналишдаги ишларимизни янада кучайтириш зарур, албатта.

— Маълумки, давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизларнинг ўрни ва ролини ошириш, оилаларни мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Салауатдин Худайбергенов.** — Биз депутатлар мана шу ишларни аҳоли орасида кенг тарғиб қилишимиз, аҳоли, айниқса, хотин-қизларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириб боришимиз зарур. Шунда аёлларни ўйлантираётган масалалар юзасидан ҳаётий таклифлар олиш имкониятимиз кенгаяди.

Тадбир сўнгида хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш, хусусан, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёлларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш борасидаги ишлар таҳлил қилиниб, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Зарафшонда янги аквапарк

### фойдаланишга топширилди



4 >

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:




Депутат, биринчи навбатда, сайловчилар олдида жавоб беради



■ ЎзХДП Марказий Кенгаши болажонлар учун байрам тадбири ўтказди

Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини кучайтириш учун, аввало, уни тарғиб қилиш керак. Одамлар бу қанақа «қабулхона» эканини яхши билсин.

ЎзХДП: ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

# ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ

## аҳолини партия билан боғловчи муҳим воситага айланди

— Вилоятимиздаги 21 та Жамоатчилик қабулхонасига апрель ойида тушган мурожаатларни ўрганиб чиқдик, — дейди **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири Маъмура Хафизова.** — Жами 72 мурожаат бўлган. Агар фоиз ҳисобида таҳлил этадиган бўлсак, мазкур мурожаатларнинг 74 фоизи ўзининг ижобий ечимини топган. Мурожаатларни ўрганиш, уларни ҳал этишда Олмалиқ, Бекобод, Пскент, Паркент, Чиноз, Юқори Чирчиқ туман партия кенгашлари, шунингдек, Чирчиқ ҳамда Ангрен шаҳар кенгашлари фаоллик кўрсатмоқда. Чунки мазкур партия ташкилотларида Жамоатчилик қабулхоналари иши тўғри йўлга қўйилган, аҳоли мурожаатларини ҳал этишда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими, Бандликка кўмаклашиш маркази билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган.

— Мурожаатларни ўрганиш билан бирга, уларни соҳалар бўйича таҳлил этаяпмиз, — дейди **ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси ўринбосари Диёр Муродов**. — Бу эса вилоятимизда қайси соҳаларда камчиликлар бор, қайси туманларда қандай йўналишларни ривожлантириш кераклигини белгилаб олишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. 14 та Жамоатчилик қабулхоналарига апрель ойида 42 та мурожаат бўлган, уларнинг 88 фоизи ижобий ечимини топган. Агар мурожаатларни соҳаларга ажратадиган бўлсак, вилоятимизда кўпроқ коммунал соҳалардаги камчиликларни бартараф этиш лозимлиги ойдинлашади. Ана шу масалаларни партия ташкилотлари ҳамда депутатлари билан таҳлил этиб, халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари сессияларига олиб чиқиш режалаштирилган.

**Албатта, бир қарашда Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти барча ҳудудларда намунали ташкил этилгандек кўринади. Аслида ундай эмас. ЎзХДП Марказий Кенгаши Аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлимининг таҳлилларига қарайдиган бўлсак, умумий манзара яққолроқ намоён бўлади.**


Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

Айрим туман кенгашлари фаоллари, депутатлар Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти, электоратни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этиш масаласига етарли даражада эътибор қаратмаяпти. Натижада ўша ҳудудларда аҳолининг партиямизга бўлган ишончи сусайиб кетмоқда. Биргина мисол. Апрель ойи давомида ЎзХДП Оққўрғон туман кенгашидаги Жамоатчилик қабулхонасига бор-йўғи 2 та мурожаат бўлган. Ваҳоланки, ҳудудда аҳоли, айниқса, электорат вакилларини ўйлантираётган масалалар оз эмас. Демак, туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонаси фаолиятини ривожлантиришга етарли эътибор бермаётир. Ана шундан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, бугун туман кенгаши фаолиятига Жамоатчилик қабулхонаси ишига қараб баҳо берилса бўлади.

Андижон вилоятининг Булоқбоши, Шаҳрихон, Пахтаобод, Хўжаобод каби туман кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналари аҳолидан тушаётган мурожаатларни ўз вақтида бартараф этишда сусткашликка йўл қўймоқда. Шу боис апрель ойида вилоят бўйича тушган мурожаатларнинг 60 фоизигина ҳал этилган.

ЎзХДП Асака, Бўз, Балиқчи, Марҳамат, Қўрғонтепа туман кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналари ишини эса ижобий баҳолаш мумкин. Масалан, Қўрғонтепа туманида истиқомат қилувчи фуқаро Ш.Собирова мазкур туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига ногирон фарзанди учун 2 ёшгача нафақа пулини олишда муаммога дуч келаётганини айтиб, ҳуқуқий ёрдам сўраган. Мурожаат халқ депутатлари туман Кенгаши депутати М.Абдусаматов томонидан ўрганилиб, ўз вақтида ҳал этилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Апрель ойида Жамоатчилик қабулхонасига келиб тушган мурожаатларни ҳал этишдаги энг паст кўрсаткич Фарғона вилоятига тўғри келади. Шу давр мобайнида вилоятдаги мавжуд 19 та Жамоатчилик қабулхонасига жами 161 марта мурожаат бўлган. Уларнинг эса 37 фоизи ҳал этилган, холос.

ЎзХДП Боғдод ва Қўштепа туман кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхонасига бирорта ҳам мурожаат тушмаганини қандай баҳолаш мумкин?..

Самарқанд вилоятида ҳам аҳвол мақтанарли даражада эмас. Вилоятда 17 та Жамоатчилик қабулхонаси фаолият олиб бораётган бўлса, апрель ойида 8 та туман ва шаҳар Кенгашларига мурожаат бўлган, холос. Қолган 9 та туман ва шаҳар Кенгашлари фаоллари бирорта ҳам мурожаатни кўриб чиқмаган.

Агар чуқурроқ ўйлаб кўрилса, Жамоатчилик қабулхоналари партиямизнинг жамиятда нуфузини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини кучайтириш учун, аввало, уни тарғиб қилиш керак. Одамлар бу қанақа «қабулхона» эканини яхши билсин.

Иккинчи масала — партиямиз тизимидаги бу институт имкониятларидан самарали фойдаланишимиз, мурожаатларга ўз вақтида ечим топиб, аҳоли ишончини қозонишимиз лозим. Ана шунда мурожаатлар кўпаяди, одамларнинг партияга бўлган ишончи янада мустаҳкамланади.

**Нурали ОРИПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ДЕПУТАТ УЧРАШУВДАН ҚАЙТДИ

# Бугунги сайловчи

## ўзи сайлаган депутат фаолиятини доим кузатиб туради



*Комила КАРОМОВА, 122-Ғузор сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:*

— Илгари сайловчилар депутатларга аксарият ҳолларда фақат ижтимоий-маиший, баъзан шахсий масалалар юзасидан мурожаат қилишар эди. Аммо бу галги учрашувларда бундай ҳолатни деярли кузатмадим. Эндиликда сайловчилар депутатларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, ўз ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ жараёнларни гапиришди, жойлардаги муаммолар бўйича кўплаб саволлар беришди.

Ғузор тумани «Хўжагузар» маҳалласидаги учрашув пайтида сайловчи Нормамат Казаков чақалоқлар егулигини ўзимизда маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш кераклигини таъкидлади. Бу бир томондан маҳсулотнинг арзон нархда бўлиши, иккинчи томондан эса ишлаб чиқариш кенгайишига хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, Деҳқонобод тумани Тоғайтемир қишлоғидаги учрашувлардан бирида сайловчи Парда Ҳакимов томонидан долзарб масала кўтарилди. Унда «Деҳқонобод — Хўжайипок» автомобиль йўлининг Тоғайтемир қишлоғи ҳудудидан ўтадиган 19-километрдаги чорраҳасини кенгайтириш лозим деган таклиф айтилди. Маълум бўлишича, бу ерда Саноат хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи бор. Шунинг учун чорраҳани кенгайтириб, коллежгача йўл ёқасидан пиёдалар йўлакчаси қуриш эҳтиёжи катта. Бу автотранспорт ҳайдовчилари учун, коллеж ўқувчилари учун қулай ва хавфсиз бўлиши сайловчилар томонидан таъкидлаб ўтилди.

Учрашув пайтида сайловчи Бойбўри Бозоров томонидан мазкур масалага алоқадор яна бир муҳим таклиф айтилди. Унинг айтишича, коллежга 12 та қишлоқдан ўқувчи қатнайди. Лекин Оқиртма, Қўнғирот қишлоқларида яшовчи ўқувчилар коллежга келиб-кетишга қийналишади. Шунинг учун «Деҳқонобод-Оқиртма», «Деҳқонобод-Қўнғирот» йўналишига жамоат транспорти қўйиш масаласини ўйлаб кўриш таклифини билдирди.

Учрашувлар давомида сайловчилар, хусусан, электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларни чуқур ўрганишга, улардан фикр олишга ҳаракат қилдим. Хулосам шуки, бугун одамларда жамият миқёсида фикрлаш кўникмаси мустаҳкамланиб боряпти. Демак, биз, депутатлар парламентдаги қонун ижодкорлиги ва ижросини назорат қилиш жараёнларида янада фаол бўлишимиз, депутатлик масъулиятига жуда чуқур ёндашмоғимиз зарур.



*Ёқуб УМАРОВ, 59-Пайариқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:*

— Учрашувлар давомида шунга яна бир бор амин бўлдимки, бугунги одамлар кечагидан фарқ қилади. Уларнинг дунёқараши ўзгариб, юксалиб бораяпти. Буни мулоқотларда қонун ижодкорлиги билан боғлиқ долзарб масалаларда саволлар берилганидан ҳам билиш мумкин. Масалан, сайловчилар орасида Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳиятига қизиқувчилар кўп бўлди.

Шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ қатор таклифлар айтилди. Масалан, Пайариқ туманидаги учрашувлардан бирида сайловчи Карим Жалилов кам таъминланган оилаларнинг уй-жой учун ерга эгалик қилишларида уларга маълум имтиёзлар бериш кераклигини гапириб ўтди. Жомбой туманидаги Қангли қишлоғида ўтказилган учрашувда эса сайловчилар 14-умумтаълим мактабини кенгайтириш масаласини кўтарди. Аҳолининг қайд этишича, мазкур мактабга Давлат дастури асосида 620 ўринли янги бино қуриб берилган. Ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар, умуман, ҳамма бундан хурсанд. Аммо мактабда ўқувчилар сони кўплиги боис, муаммолар бўлаётгани ҳам айтиб ўтилди. Ана шу муаммони ҳисобга олган ҳолда мактаб учун синф хоналарини кўпайтириш масаласи ўртага ташланди. Бу таклифни барча сайловчилар қўллаб-қувватлашди.

Учрашувда, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларида ҳам қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Сайловчиларнинг фаоллиги бизга куч бағишлайди, қонун қабул қилиш, ижроси устидан назорат ўрнатиш жараёнларида янада масъулиятли бўлишга ундайди.

Албатта, электорат манфаатлари билан боғлиқ ижтимоий масалаларни ўрганиш, уларни ҳудудлар ривожи нуқтаи назаридан таҳлил қилиш осонликча бўладиган иш эмас. Бу йўлда ҳар хил ҳолатларга дуч келинади, вазиятлардан ўтишга тўғри келади. Лекин депутатнинг олдида ҳар доим одамлар ишончини оқлаш, сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг хоҳиш-истакларини рўёбга чиқариш вазифаси туради. Бунга масъулият билан ёндашсак, натижаси ижобий бўлади. Энг муҳими, муаммолар ҳал этилади, одамларнинг оғири енгил бўлади.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.**

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

# «Мен Ватаним равнақига ҳисса қўшишни хоҳлайман!»



Жорий йилда кўрик-танлов иштирокчилари сони вилоятда 600 нафардан ошди. Бухоро вилояти миқёсида саралаб олинган 11 нафар иштирокчи республикада ўз ҳудуди шарафини ҳимоя қилиш учун беллашди. Қатнашчилар шаҳар ва туманларда мавжуд ижтимоий муаммолардан келиб чиқиб, турли мазмундаги лойиҳаларни тақдим этишди. Уларни ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш мақсадлари бирлаштирди.

— «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг нуфузи ва кўлами кенгайиб, унда қатнашиш истагини билдирган ёшлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли Умурбек Бектемиров.** — Бу эса янада кўпроқ иқтидорли йигит-қизларни аниқлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ҳуқуқий ва сиёсий билимларини бойитиш имконини беради.

— Танлов доирасида ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш, бандлик масаласини ҳал этиш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди **ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари Шоҳиста Набиева**.

— Бир неча бор мазкур танлов ва унинг шартлари билан танишиб чиқдим, — дейди **иштирокчи Санжарбек Аслонов**.

— Асли Ғиждувон туманиданман. Дастлаб, туманда янги иш ўринлари яратиш бўйича ўрганишлар олиб бордим ва Ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида — устачилик уюшмаси лойиҳасини ишлаб чиқдим. Маълум бўлишича, туманимизда 74 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларнинг камида 20 тасида устачилик уюшмаси ташкил этиш имкони бор, бу қўшимча иш ўринлари очилишига хизмат қилади.

Кўрик-танловнинг иккинчи ва учинчи босқичларида иштирокчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари синовдан ўтказилди. Беллашув натижаларига кўра, **Қоравулбозор тумани 2-сон академик лицей ўқувчиси Хуршида Обидова учинчи, Бухоро солиқ коллежи ўқувчиси Санжарбек Аслонов иккинчи ўринга** лойиқ деб топилди. Энг яхши натижа ва юқори кўрсаткичлар билан мутлақ ғолибликни қўлга киритган **Бухоро туман қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Шоҳруз Собиров** «Ёш сиёсатчи-2015» танловининг республика босқичига йўлланма олди. Шунингдек, яна бир нечта номинациялар бўйича ҳам совриндорлар аниқланди.

Кўрик-танловнинг Сурхондарё вилоят босқичи Термиз шаҳридаги муҳташам «Ёшлар маркази»да бўлиб ўтди. Тадбирда ЎзХДП Марказий Кенгаши ва вилоят партия ташкилоти масъул ходимлари, депутатлар, ёшлар, фаоллар, сиёсатшунослар, экспертлар ва ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Танловни **ЎзХДП Сурхондарё вилоят Кенгаши раиси Чори Жумакулов** очди ва иштирокчиларга омад тилади. Шундан кейин 14 нафар ёш партиядошимиз учта шарт бўйича ўзаро беллашди. Ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ЎзХДПнинг Сайловолди ва Ҳаракат дастурларида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ қилиш масалалари шартларда ўз ифодасини топди.

— Бугун сафларимизда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 13 минг нафардан ортиқ ёш бирлашган, — дейди **ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Суннатилло Бозорбоев.** — Тенгдошларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида анжуман, семинар ва давра суҳбатлари мунтазам равишда ташкил этиляпти.

Ёш сиёсатчиларнинг ҳар бир чиқишлари ҳакамлар томонидан одилона баҳолаб борилди. Натижаларга кўра, **Термиз тиббиёт коллежи ўқитувчиси Аббос Тоғаймуродов биринчи ўринни** эгаллаб, республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорларга ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда вилоят ташкилотининг махсус диплом, эсдалик совғалари топширилди.

«Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг нуфузи ва кўлами кенгайиб, унда қатнашиш истагини билдирган ёшлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу эса янада кўпроқ иқтидорли йигит-қизларни аниқлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ҳуқуқий ва сиёсий билимларини бойитиш имконини беради.

**Қарши шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Ёш сиёсатчи-2015» кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар ўз билим-интилишларини турли йўналишлардаги лойиҳалар, савол-жавоблар орқали синовдан ўтказишди.**

«Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими етакчиси Фаррух Холиқовнинг айтишича, қанотга саккиз мингдан ортиқ ёш бирлашган. Танловнинг дастлабки босқичларида кўплаб ёшлар иштирок этди. Уларнинг барчаси фаол, ўзига ишонадиган, эзгу ишларга қодир йигит-қизлардир.

Танловнинг вилоят босқичида 14 нафар ёш сиёсатчи беллашди. Танлов шартлари ва дастури анча мураккаб эди. Уларга кўра, ҳар бир иштирокчи Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти, ёшларга оид қонунлар, ЎзХДПнинг мақсад ва ғоялари ҳақида фикр юритиши, ўзи танлаган мавзудаги лойиҳани тақдим этиши белгиланган. Қатнашчилар шартларни аъло даражада бажаришди. Ҳайъат аъзолари ёш сиёсатчиларнинг қобилияти, билими, тафаккури ва изланувчанлигига муносиб баҳо беришди.

Танловда **Косон туманидан Лазиза Аллаёрова иккинчи, Шаҳрисабз туманидан Матлуба Ёрбобоева** учинчи ўринни эгаллади. Биринчи ўрин ва кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқи мубораклик **Нодира Умировага** насиб этди.

Танлов якунида **ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Назира Матёқубова** сўз олиб, ёшлар тақдим этаётган лойиҳаларнинг аксарияти долзарб масалаларга бағишланганини алоҳида таъкидлади.

— Партия сафига кирганимга кўп бўлгани йўқ, — дейди **Шаҳрисабз академик лицейи ўқитувчиси Матлуба Ёрбобоева.** — Унинг ғоя ва мақсадларини чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қиляпман. Танловда ғалаба қозонмаган бўлсам-да, хафа эмасман. Кўплаб дўстлар орттирдим, ўргандим, билимимни мустаҳкамладим. Бундан жуда хурсандман.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**Музаффар ТУРОПОВ,**
**Юнус УЗОҚОВ.**



■ «ЁШ СИЁСАТЧИ – 2015» КЎРИК-ТАНЛОВИДА ТАҚДИМ ЭТИЛАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАРДА ҲУДУДЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛМОҚДА.



■ ПАРЛАМЕНТ ДЕПУТАТИ ЎЗ ИШИГА ПРОФЕССИОНАЛЛИК НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЁНДАШИШИ КЕРАК. БУНИНГ УЧУН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИШ БИЛАН ЧЕКЛАНИБ ҚОЛМАСЛИК, АМАЛДАГИ ҚОНУНЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ, ТАЪСИРИНИ МУНТАЗАМ ЎРГАНИБ БОРИШ, ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ ЎРНАТИШ, УЛАР ҲИСОБОТИНИ ЭШИТИШ, ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ИНСТИТУТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР.

O'ZBEKISTON OVOZI
2015-yil 4-iyun. Payshanba
65 (31.968)-son
www.uzbekistonovozi.uz



# Инсон манфаати ҳимояси

## бош масала

**■ Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашда Адлия вазирлиги зиммасига ҳам улкан вазифалар юклатилган. Шу боис мухбиримиз вазирликнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Лазизжон Маҳмудов билан бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.**

— Аввало шуни айтиш керакки, ҳар қандай демократик мамлакатда қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар инсон манфаатларига қаратилади, — дейди у. — Мамлакатимизда ҳам демократик ҳуқуқий давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида тизимли равишда ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Қонунчилигимизнинг изчил такомиллаштириб борилиши ўз-ўзидан инсон ҳуқуқлари тўла таъминланишига, хизмат қилмоқда.

Ўтган даврда мамлакатимизда биргина жиноят қонунчилигини ислоҳ қилиш бўйича катта қадамлар ташланди. Хусусан, жиноятлар таснифи қайта кўриб чиқилди. 75 фоизга яқин оғир ва ўта оғир жиноятлар жамият учун хавф туғдирмайдиган, унча оғир бўлмаган жиноятлар таркибига ўзгартирилди. 26 та жиноят таркиби бўйича озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо чоралари олиб ташланди. Бағрикенглик ва кечиримли бўлиш каби миллий анъаналаримизни инобатга олиб, 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институти жорий қилинди. 2008 йилдан «Хабеас корпус» институти жорий қилиниб, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурорлардан судларга ўтказилди.

Ҳар қандай жиноят учун ўлим жазоси бекор қилинди. Унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилди. Жазонинг мазкур тури эса мамлакатда аёлларга, 18 ёшга тўлмасдан жиноят содир қилган шахсларга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан қўлланилмаслиги белгилаб қўйилди. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар бўйича Жиноят кодексига алоҳида норма киритилиб, етказилган зарар қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Тизимли равишда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида Ўзбекистон жаҳонда озодликдан маҳрум қилинганларнинг энг кам кўрсатгичларидан бирига эришди. Охирги 10 йилда мамлакатда озодликдан маҳрум қилинганлар сони 2 баробардан кўпга қисқарди.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатда криминоген вазиятга ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда. Масалан, охирги йилларда 100 минг аҳолига нисбатан содир қилинаётган жиноятлар ўртача 300 тага тўғри келаётганлиги жиноятчилик кўрсатгичининг пасайиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Яна бир асосий жиҳат, бу судларнинг мустақиллигини таъминлаш йўналишида амалга оширилган ислоҳотлардир. Мамлакатимизда суд тизими ижро этувчи ҳокимиятдан мустақил равишда ажратилди. Судлардан уларга таллуқли бўлмаган функция, яъни суд қарорларини ижро этиш вазифаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментига юклатилди, Судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг самарали демократик механизми яратилди. Юрист кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг институционал тизими яратилди. Судлар ихтисослаштирилиб, жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича судлар жорий қилинди. Фуқароларнинг судда ҳимояланиш кафолати мустаҳкамланиб, ишларни апеляция ва кассация инстанцияларида кўриб чиқиш амалиёти йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий мазмун-моҳияти инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини кафолатлашга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассамлаштирмоқда.

**— Адлия вазирлиги томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталсангиз?**

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги қарори билан Адлия вазирлиги зиммасига Конституция, қонунлар ва халқаро шартномаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида бир қатор вазифалар юклатилган бўлиб, улар ижросини таъминлаш мақсадида вазирлик томонидан доимий равишда таҳлилий ишлар, ўрганишлар ҳамда мониторинглар олиб борилмоқда. Масалан, 2011 йилдан бошлаб 2015 йилнинг биринчи чораги давомида вазирлик томонидан ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар ҳуқуқларининг ҳимоясига, шунингдек соғлиқни сақлаш, таълим ва пенсия таъминотига оид қонунчиликка риоя этилиши аҳволи таҳлил қилинди. Шу билан бирга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Давлат рақобат қўмитаси, Ўрта махсус, касб ҳунар таълими Маркази ва уларнинг ҳудудий тузилмаларида мурожаатларни кўриб чиқиш соҳасидаги ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши аҳволи ўрганилиб, бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Натижада 300 дан зиёд шахсга нисбатан интизомий чоралар кўрилди, 35 киши маъмурий жавобгарликка тортилди ва 25 киши эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.



Бундан ташқари, биргина 2015 йилнинг уч ойи давомида вазирлик томонидан инсон ҳуқуқлари йўналишида 859 та шикоят кўриб чиқилган бўлиб, шундан 291 таси, яъни 33 фоизи қаноатлантирилган. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш тўғрисида 188 тақдимнома киритилди. Қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги учун 151 нафар шахсга нисбатан интизомий чоралар кўрилиб, 4 таси лавозимидан озод этилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини тиклаш масаласида 170 огоҳнома киритилиб, 39 нафар айбдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Фуқаролар манфаатларини кўзлаб судларга 588 млн. сўмдан зиёд 341 даъво ариза киритилиб, шундан 394 млн. сўмдан зиёд 273 даъво ариза судлар томонидан тўлиқ қаноатлантирилди.

**— Жойларда айрим раҳбарларнинг бюрократлиги ёки қонунга мувофиқ иш тутмаслиги оқибатида фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилиш ҳоллари учраб туради. Бу кўпроқ қайси масалаларда кўринади?**

— Вазирлик томонидан доимий равишда амалга ошириб келинаётган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мурожаатларнинг 18,4 фоизи ижтимоий ҳимояга доир қонун ҳужжатлари юзасидан, 10,4 фоизи меҳнат низолари юзасидан, 6,5 фоизи суд қарорларидан норозилиги хусусида, 6,3 фоизи уй-жойга оид низолар, 5,7 фоизи коммунал тўловларга оид, 7,9 фоизи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятига оид, 4,7 фоизи - суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилмаётганлиги масаласида, 2,3 фоизи банк фаолиятига оид. Қолганлари бошқа масалаларда.

Бу эса ўз-ўзидан мазкур соҳаларда муайян муаммолар мавжудлигини кўрсатиб, соҳа вакилларидан фаолиятларини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг мурожаатларига эътиборни кучайтириш, юридик хизмат фаолиятини яхшилашни талаб қилади. Чунки фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашда ҳар қандай эътиборсизлик фуқаронинг ҳуқуқлари бузилишига, қонунчиликка зид қарорларнинг қабул қилинишига олиб келади. Биргина 2015 йилнинг уч ойи давомида адлия органлари томонидан қонунчиликка зид бўлган 5 та ҳужжат бекор қилинганлиги ёки ижроси тўхтатилганлиги, корхона, муассаса ва ташкилотларда қонунларни яхши билмаслик ёки юридик хизмат фаолиятидан самарали фойдаланилмаётганлигини кўрсатади.

**— Келтирилган мисолларнинг аксарияти раҳбарлар томонидан амалдаги қонунларга зид буйруқлар чиқарилиши билан боғлиқ. Хўш, бундай хатога йўл қўймаслик учун нима қилиш керак?**

— Идораларда мансабдор шахс томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ҳуқуқшунос-юристлар томонидан экспертиза қилинмаслиги қонунчиликка зид бўлган қарорларнинг қабул қилинишига олиб келади. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун идораларда юридик хизматни тўғри йўлга қўйиб, уларнинг фаолиятидан оқилона ва самарали фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бирга, идораларда қонунчиликдаги охирги ўзгаришлар ва янгиликларни ўрганиш масаласига ҳам эътибор қаратиш лозим. Қонун талабларини етарли даражада билмаслик ёки қонунчиликдаги янгиликларни ўзлаштириб борилмаслиги ҳам амалиётда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилишига олиб келади.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» тўғрисидаги қарорида ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш, аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш, илмий-оммабоп юридик адабиётлар нашр қилиниши ва тарқатилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш вазифаси қўйилди.

Юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, вазирлик томонидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, 2015 йилнинг уч ойи давомида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида биргина Адлия вазирлиги ва унинг тизими томонидан 16 мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Хулоса ўрнида айтганда, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳуқуқи ҳимоясини таъминлашда бош мезон ҳисобланади.

**«Ўзбекистон овози» мухбири**
**Равшан ШОДИЕВ,**
**суҳбатлашди.**




## Ҳар 7-11 йилда

### такрорланиб туради

**Австралия ва Япония метеорологлари Тинч океани устида Эль-Нино оқимининг такрорий «босқини» бошлангани ҳақида хабар тарқатдилар. Айнан Тинч океани устида пайдо бўладиган мазкур илиқ оқим ҳар 7-11 йилда такрорланиб туради. У Жанубий Америка қирғоқлари томон йўналиш олган.**

Тинч океанининг экватор қисмидаги сув юзаси ҳарорати нима сабабдан ўзгараётгани, аниқроғи, илиб бораётганининг сабаблари ҳануз фанга номаълум. Эль-Нино оқими қачон якунига етишини ҳам метеорологлар аниқ айтишга қийналишмоқда.



Ҳинд океани устида ҳаво босимининг ортиши, Тинч океани юзасида шамол йўналишининг ўзгариши ва Перу чўлларида ёмғирлар бошланиши оқим фаоллашувининг биринчи белгилари эканлиги олимларга маълум. Шу боис ҳам улар огоҳлантиришмоқдаки, Европа олдиндан башорат қилиш қийин бўлган иқлим ўзгаришларига тайёр туриши лозим. Бу йилги қиш мавсуми минтақада кутилмаган «сюрприз»ларни тортиқ қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Яъни кутилмаганда кучли қор бўронларининг бошланиши ва ўта совуқ ҳаво қишлоқ хўжалиги ҳосилига жиддий шикаст етказиши мумкин. Индонезияда ва Жануби-Шарқий Осиёда, АҚШнинг жануби-ғарбида ҳамда Жанубий Африкада кучли қурғоқчилик юз бериши аввалдан башорат қилинмоқда. Россияда эса ёзнинг ёмғирли келиши муаммолар кўламини оширса оширадики, асло камайтирмайди.

Умуман олганда, Эль-Ниноднан яхшилик кутиб бўлмайди. Оқимнинг 2002-2003 йилларда кузатилган мавсуми қаҳратон қиши билан тарихда қолган. Бундай совуқ 120 йил муқаддам кузатилган эди. Ўшанда Буюк Британияда совуқ ҳаво ҳукм сурган бир пайтда Австралия аҳолиси ўта қурғоқчил об-ҳаводан азият чеккан. Мексикада эса ёмғирли мавсумнинг кучайиши оқибатида рекорд даражада сув тошқинлари юз берганди. Бразилияда жазираманинг кучайиши аҳоли бардошини яна синовдан ўтказганди.

Эль-Нинонинг бу йилги мавсуми ҳам яхшилик билан тугамаслиги ҳақида олимлар барчани огоҳлантирмоқда.

## Тиббиёт ходимига эҳтиёж

### ҳануз долзарблигича қолмоқда

**Ироқда олий маълумотли шифокорларга бўлган талаб ҳануз юқорлигича қолмоқда.**



Мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги манбаларига асосланиб «Ал-Иттиҳод» газетаси хабар беришича, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш учун бир неча ўн минглаб олий маълумотли шифокорлар керак. Мазкур давлатда фаолият кўрсатаётган шифокорлар сони эса эҳтиёжнинг 20 фоизинигина қоплай олади холос.

Таъкидлаш жоизки, ўлкадаги хавфсизлик масалалари хорижлик тиббиёт мутахассисларини жалб этишни қийинлаштирмоқда. Бу ҳам етмагандек, маҳаллий шифокорлар ишлаш учун хорижга чиқиб кетаётгани ҳам тиббиёт ходимига бўлган эҳтиёж масаласини янада ўткирлаштирмоқда.

■ РЕКЛАМА

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

## Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси

**2015 йилда капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:**

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи | | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | | ҚҚСсиз | ҚҚС билан | |
| 1. | Нарпай тумани Оқтош шаҳридаги почта бўлими биносини капитал таъмирлаш | 235 559 938 сўм | 282 671 926 сўм | 6 ой |

Қурилиш ишлари «Ўзбекистон почтаси» ОАБ маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

***Савдо ташкилотчиси*** - Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

***Буюртмачи***: Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

***Манзили***: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, телефон: (0-366) 231-10-93.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат давлат реестрига кирган ташкилотлар ўртасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хаpидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: ***Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус - 2Д, 403-хона. тел.: 231-13-51, факс.: 233-32-00.***

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносида соат 10-00 да ўтказилади.

## Сурхондарё вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

**қуйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:**

**Лот 15-1.** Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 13-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабини реконструкция қилиш. Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 2607,799 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 2173,166 млн.сўм, қурилиш муддати – 330 кун.

**Лот 15-2.** Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани «Дўстлик» маҳалласидаги 8-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабини реконструкция қилиш. Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 2303,851 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 1919,876 млн.сўм, қурилиш муддати – 300 кун.

**Лот 15-3.** Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 23-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабини реконструкция қилиш. Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 2302,523 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 1918,769 млн.сўм, қурилиш муддати – 300 кун.

**Лот 16-1.** Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани «Мустақиллик» кўчаси «Наврўз» маҳалласида ёпиқ сузиш ҳавзаси қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 2502,036 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 2085,030 млн.сўм, қурилиш муддати – 330 кун.

**Лот 16-2.** Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 46- сон мактаб қошида V тип болалар спорт мажмуаси қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 778,050 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 648,375 млн.сўм, қурилиш муддати – 180 кун.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (0-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85.**

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш – Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат «Қурилиш - пудрат ташкилотлари реестри»га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишига рухсат этилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сон қарорларига асосан ушбу объектларнинг танлов савдоларида оферталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда устунлик кичик бизнес субъектларига берилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси - «Даварxитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 31-«А» уй, Телефон/факс: (0-376) 223-44-73, 223-44-78.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи –100 000 - 120 000 сўм

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

**Таклифлар (оферталар) очилиши, эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда:** Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 31-«А» уйда ўтказилади.



■ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА ОЛИШ ВА ҲИСОБГА ҚЎЙИШ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНТЕРФАОЛ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ЯГОНА ПОРТАЛИГА ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИНГАН ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА ОЛИШ ВА ҲИСОБГА ҚЎЙИШ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ 24 СОАТ УЗЛУКСИЗ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.



■ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ, ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА БОШҚА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ КЎП МАРОТАБА БУЗГАН МАНСАБДОР ШАХСЛАРИГА НИСБАТАН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИ ҚЎЛЛАНИЛАДИ.

# Болаларга беринг дунёни!

**ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ**

## Ҳар бир болага меҳр-эътибор

**«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳокимликлари, Республика «Sen yolg'iz emassan» болалар жамоатчилик жамғармаси ҳамкорлигида «Ҳар бир болага меҳр-эътибор» шиори остида «Toshkent-Lend» истироҳат боғида хайрия тадбири ўтказилди.**



Боғ дарвозасидан турнақатор бўлиб келаётган болаларнинг нигоҳларида қувонч порлайди. Гулнора Марайимовна раҳбарлигидаги «Ором» болалар ашула ва рақс дастаси жажжи хонанда ва раққосалари боғ майдонига йиғилганларни «Қуёшжон», «Бахтиёр болалик», «Устозларга» сингари шўх-шодон қўшиқ ва рақслари билан хушнуд этаётган бўлса, бир томонда болажонларга бепул музқаймоқ ва салқин ичимликлар улашилмоқда.

— «Ҳар бир болага меҳр-эътибор» шиори остида ўтказилаётган ўн кунлик доирасида «Toshkent-Lend» истироҳат боғи эшиклари Тошкент шаҳри ва вилоятидаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, Ватан осойишталиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари учун очиқ, — дейди **«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси ўринбосари Нозимжон Мўминов.**

Болалар концертдан сўнг тарбиячилар бошчилигида аттракционлар томонга йўл оладилар. Улардан бири қаторлашиб турган ўйинчоқ машиналар олдига чопса, бошқа бири арғимчоқ учишни хоҳлайди. Яна бирининг улкан чархпалакка чиққиси келади.

— Биз бу ерга 85 нафар тарбияланувчини олиб келдик, — дейди **Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйи директори Малик Рўзиқулов.** — Бундан олдин болаларимиз Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги «Хўжакент» дам олиш оромгоҳида дам олиб қайтишди, шаҳримиз музейларида бўлишди. Мустақиллик йилларида пойтахтимизда барпо этилган муҳташам иншоотларни, янги кўприкни томоша қилишди. Уларга Тошкент шаҳар касаба уюшмалари қўмитаси, ИИВ Академияси ва бошқалар томонидан ҳомийлик совғалари топширилди.

— Бугунги байрам ташкилотчиларига раҳмат айтмоқчиман, – дейди **Бўка туманидаги 15-Меҳрибонлик уйи раҳбари Абдурасул Акмалов.** – Бутун бошли боғ болалар ихтиёрига берилган. Улар қувонганини кўриб, мен ҳам тўлқинланиб кетдим.

**Болаларимизнинг орзулари бир олам.** Аҳмад келажакда машҳур футболчи, Муҳаммад ҳарбий хизматчи, Азамат педагог, Умид темир йўлчи бўлмоқчи. Ирина билан Феруза эса тиббиёт соҳасига қизиқади.

— Болаларимиз «Toshkent-Lend» истироҳат боғига боришларини эшитиб, жуда қувонишди, — дейди **Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйи директори, халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Фарида Кенжаева.** — Бундай кўнгилли сайру саёҳат ҳар куни бўлавермайди-да! Ташкилотчиларга раҳмат. Шундай тадбирлар тез-тез ўтказиб турилса, яхши бўларди. Ахир, болалар қувончини кўришдан ортиқроқ бахт борми?!

Болаларимиз жуда истеъдодли, зеҳни ўткир. Улардан Сергей Удодов, Надежда Шустева расмлар танловида ғолиб чиқиб, «Ер куррасида тинчлик бўлсин» Республика кўрик-танловининг якуний босқичида иштирок этишди.

— Турмуш ўртоғим Зуҳриддин Сотқулов ўз хизмат бурчини бажараётган пайтда ҳалок бўлган, — дейди **Раъно Сотқулова.** — Тадбирга қизларим — Муборак ва Сарвинозни олиб келдим, улар аттракционларда учиб, роса маза қилишди, хурсанд бўлишди. Ҳарбийлар оиласи бўлганимиз учун қизларим ҳам ота изидан бориб, шу касбни танлашмоқчи...

«Ҳар бир болага меҳр-эътибор» кунлари доирасида Мурувват уйлари, маҳаллалардаги кўп болали ва имконияти чекланган оилаларга манзилли меҳр-мурувват ёрдамлари ҳам кўрсатилди.

**Нуруллоҳ ДОСТОН**

**ХУШХАБАР**

**Навоий кон-металлургия комбинати раҳбарияти томонидан ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, улар муносиб ҳордиқ чиқариши учун кенг шароит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Яқинда Зарафшон шаҳрида янги аквапарк фойдаланишга топширилди.**

## Зарафшонда янги аквапарк

### фойдаланишга топширилди



Мазкур аквапарк 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида фойдаланишга топширилиши кичкинтойлар учун ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди. Қарийб бир ярим гектар майдонни эгаллаган аквапарк замонавий талаблар даражасида бунёд этилди. Бу масканда болалар ёзги таътил мавсумини кўнгилдагидек ўтказиши учун барча имкониятлар яратилган. Қурилиш ишлари учун жами уч миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Шунингдек, бу ерда катталар ва болалар учун аттракцион ва бассейнлар, яхна ичимликлар, музқаймоқ ва ширинликлар билан савдо қиладиган кафе-бар, тиббиёт пункти, соябонли дам олиш ўриндиқлари бунёд этилган. Аквапарк ҳудуди ободонлаштирилиб, 21 минг туп гул кўчати ўтказилди.

— Икки нафар фарзандим билан ушбу аквапаркка сайр қилгани келдик, — дейди Нафосат Зиёева. — Болажонларимнинг хурсандчилигининг чеки йўқ. Ёзнинг жазирамасини мана шундай соя-салқин жойларда ўтказиш фарзандларимизнинг соғлом вояга етишига хизмат қилади.

Зарафшоннинг ёзи анча иссиқ келади. Шу боис аквапарк қурилиши айни муддао бўлди.

Бу бунёдкорлик ишлари Зарафшон қурилиш бошқармасига қарашли «Зарафшон» қурилиш-монтаж бошқармаси томонидан амалга оширилди.

**Илҳом САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

XALQ BANKI

## «Омад кулганда»

тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси иштирокчилари ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки**

2015 йил 10 февралда Хива шаҳрида ўтказилган «Омад кулганда» тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси тиражи натижаларига кўра, ютуқ чиққан лотерея билетлари соҳибларини банк филиалларига мурожаат қилиб, ўз ютуқларини расмийлаштиришларини сўрайди.

Ютуқли лотерея билетлари жорий йилнинг 13 июнига қадар тўловга қабул қилинади. Ушбу муддат тугагандан сўнг, ютуқли билетлар ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

Шошилинг! Ютуқларингизни ўз вақтида олишни унутманг!

**ЛОТЕРЕЯ ТАШКИЛОТЧИСИ.**
*Хизматлар лицензияланган.*

Барча турдаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси**

**4р161 «Урганч ш.—Чолиш қ.—Беруний ш.» автомобиль йўлининг 0-11 км қисмини реконструкция қилиш** объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади.

**Буюртмачининг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан — 675 000 000 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 562 500 000 сўм.

Лойиҳа-смета ҳужатларини ишлаб чиқиш муддати — 180 кун.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларини молиялаштириш Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси.

Манзили: Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 29-уй.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда АРТ ва техник шартлар олиш, экспертиза ва муаллифлик назоратини амалга ошириш ишлари ҳамда харажатлари лойиҳачи ташкилот томонидан бажарилади ва қопланади.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларига, шунингдек, амалдаги ҚМҚ ва ШНҚларига мувофиқ ишлаб чиқилиши зарур.

Танлов савдоларида иштирок этувчилар ўз таклифларини Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига қуйидаги манзил бўйича топширишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 29-уй, тел.: 239-83-85, факс:239-14-69.

Таклифларни буюртмачига тақдим этишнинг охирги муддати — таклифлар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари, эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 10 кундан сўнг буюртмачи манзилида ўтказилади.

Барча турдаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

## Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси

**қуйидаги объектга танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:**

**«4Р78 «Олот ш. — Ҳамза I-II-насос станцияларига» автомобиль йўлининг 0-10 км қисмини тўла таъмирлаш».**

**Буюртмачининг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан 18 097 538 036 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 15 081 281 697 сўм.**

**Қурилиш ишларни якунлаш муддати — 730 кун.**

Кичик бизнес субъектлари учун квота миқдори — 25 фоиз.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси.

**Манзили:** Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 29-уй.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига 2014 йил 1 июлдан бошлаб «Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестри»га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишига рухсат этилади.

**Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағлари ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари керак.

Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотларининг танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Тошкент вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй, 311-хона.**

**Тел.: 241-15-26, 241-15-37.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 150 000 (бир юз эллик минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари, эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 15 кундан сўнг буюртмачи манзилида ўтказилади.






**ОБ-ҲАВО** 04-05.06 — 2015

**Юртимиз бўйлаб (°C)**

| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +20 / +25 | +37 / +42 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +20 / +25 | +37 / +42 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари | +17 / +22 | +33 / +38 |
| Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари | +20/ +25 | +35 / +40 |
| Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари | +17 / +22 | +33 / +38 |
| Тошкент шаҳри | +20 / +22 | +35 / +37 |



**Дунё бўйлаб (°C)**

| | |
|---|---|
| Лондон | +23/ +26 |
| Париж | +27/ +34 |
| Москва | +24/ +22 |
| Мадрид | +32/ +32 |
| Пекин | +24/ +34 |
| Канберра | +13/ +15 |
| Рим | +32/ +33 |
| Афина | +30/ +27 |
| Токио | +26/ +24 |
| Стокгольм | +18/ +20 |
| Кейптаун | +17/ +18 |
| Қоҳира | +32/ +32 |
| Гавана | +27/ +27 |
| Вашингтон | +21/ +26 |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.*

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 659
17819 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 22.50
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 5 6